# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

**31-сон (1103) 2023 йил август**


***Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:***

***биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;***

***иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;***

***учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;***

***тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;***

***бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.***

## МУНДАРИЖА

*Биринчи бўлим*


337. ««Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 2 августдаги ЎРҚ–858-сон Қонуни


*Иккинчи бўлим*


338. ««Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 июлдаги ПҚ–253-сон қарори

339. «Оториноларингология хизматини такомиллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 августдаги ПҚ–255-сон қарори

340. «Қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 августдаги ПҚ–257-сон қарори

341. «2023 — 2026 йилларда узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 августдаги ПҚ–260-сон қарори

***Учинчи бўлим***

342. «Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, шунингдек, автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 июлдаги 321-сон қарори

343. «Аграр ва озиқ-овқат соҳалари учун субсидия ажратиш тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 августдаги 331-сон қарори

***Бешинчи бўлим***

344. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 7 июлдаги 53-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-14)*

345. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 24 июлдаги 28-сон «Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2215-1)*

346. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 21 июлдаги 66-сон «Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525-3)*

347. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 7 июлдаги 54-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчи-

ларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 72-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-5)*

348. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 6 июлдаги 51-сон «Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3450)*

349. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 17 июлдаги 2375-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-3)*

350. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 22 июлдаги 27-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3303-1)*

351. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 18 июлдаги 63-сон «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941-3)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 337 «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 31 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 23 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда бориш қийин бўлган ва олис ҳудудларда мобиль алоқа ҳамда мобиль интернет қамровини кенгайтириш, кўрсатилаётган алоқа хизматларининг сифатини ошириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ўз радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришига нисбатан мавжуд тақиқ радиочастота спектридан янада самарали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда. Бундан ташқари ахборот хавфсизлиги таъминланишини янада кучайтириш мақсадида, шунингдек мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларни инобатга олиб, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартишлар киритиш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига радиочастота спектридан фойдаланувчиларга ўзларига бириктирилган радиочастота спектридан бошқа фойдаланувчилар билан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқи берилишини ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланишини, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари тартибга солинишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бундан ташқари маъмурий ислоҳотлар натижасида қайта ташкил этилган давлат бошқаруви органларининг номлари аниқлаштирилмоқда.

Ушбу Қонун радиочастота спектридан янада самарали фойдаланилишига, телекоммуникация тармоқларининг ривожланишига, шунингдек аҳолининг янада сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминланишига хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Радиочастота спектри тўғрисида»**ги 725–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 16-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

---

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 августда эълон қилинган.

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг ўн иккинчи хатбошисидаги** «радиочастота бериш» деган сўзлар «бириктирилган радиочастота» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш сертификатлаштириш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, солиқ солиш, ягона илмий-техника сиёсатини шакллантириш орқали, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади»;

3) **7-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **8-модда биринчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«радиочастота спектри бўйича давлат бошқаруви органи томонидан ажратилган радиочастоталар полосалари доирасида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиш (бериш) ва (ёки) ўрнатиш (қуриш), Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун рухсатномалар беради»;

**бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«радиочастота спектридан фойдаланувчиларга бириктирилган радиочастоталарнинг ҳисобини юритади, шунингдек радиочастота спектридан радиочастота спектри бўйича давлат бошқаруви органи томонидан белгиланган тартибга мувофиқ фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади»;

5) **9-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Радиочастота спектри радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан давлат, жамоат эҳтиёжларини ва шахсий эҳтиёжларни таъминлаш учун фойдаланилади.

Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиш (бериш) ва (ёки) ўрнатиш (қуриш), Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш белгиланган тартибда радиочастота органи томонидан бериладиган рухсатномага асосан амалга оширилади.

Радиочастота спектридан фойдаланувчиларга муайян радиочастоталарни бириктириш Ўзбекистон Республикасининг радиочастоталарни тақсимлаш жадвалига мувофиқ амалга оширилади. Бириктирилган радиочастота ўта муҳим давлат эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ўзгартирилиши мумкин.

Радиочастота спектридан фойдаланувчиларга радиочастоталар полосаларини ажратиш фойдаланувчидан келиб тушган ариза бўйича ёки танлов асосида ёхуд ким ошди савдоси натижаларига кўра амалга оширилиши мумкин.

Радиочастота органи ва радиочастота спектридан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади.

Радиочастоталар полосаларидан бирдан ортиқ радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан фойдаланилиши радиочастота спектридан биргаликда фойдаланишдир. Радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан радиочастота спектридан биргаликда фойдаланиш улар ўртасида радиочастота органининг тегишли рухсатномаси асосида шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур рухсатнома радиочастота спектри бўйича давлат бошқаруви органи томонидан белгиланадиган радиочастоталар полосаларига биноан берилади»;

6) **10-моддадаги** «берилади» деган сўз «бириктирилади» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **13-модда иккинчи қисми ўзбекча матнининг:**

**тўртинчи хатбошисидаги** «берилган» деган сўз «бириктирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

**бешинчи хатбошисидаги** «берилган» деган сўз «бириктирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **14-модданинг:**

**номидаги «лойиҳалаш»** деган сўз чиқариб ташлансин;

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш, шунингдек радиочастоталардан фойдаланган ҳолда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш фақат радиочастота спектридан фойдаланувчи радиочастота органининг тегишли рухсатномасини олганидан ва ташкилотнинг яратишга доир стандартлари келишилганидан кейин амалга оширилади»;

9) **15-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **16-модданинг биринчи қисмидаги** «фойдаланувчиларнинг» деган сўз «радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **17-модда ўзбекча матнининг:**

**номидаги «Берилган»** деган сўз **«Бириктирилган»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Берилган» деган сўз «Бириктирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Берилган» деган сўз «Бириктирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) **18-модданинг:**

**номидаги «фойдаланувчиларнинг»** деган сўз **«радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**матнидаги** «фойдаланувчиларнинг» деган сўз «радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **18[1]-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Радиочастота спектридан фойдаланиш чоғида радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан ахборот хавфсизлиги чоралари, шу жумладан:

узатиладиган ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш, алоқа тизимларидан назоратсиз фойдаланиш ва уларнинг ишлашини тўхтатиб қўйиш, шунингдек улардан шахс, жамият ва давлатга зарар етказадиган мақсадларда фойдаланиш истисно этилишини;

ахборотни (маълумотларни) узатиш жараёнида унинг (уларнинг) конфиденциаллигини, яхлитлигини ва ундан (улардан) фойдаланиш имкониятини;

рухсатсиз ёки беихтиёр аралашишга уринишлар бўлган тақдирда алоқа тизимининг ишлаш режими ўзгармаслигини таъминловчи чоралар кўрилиши керак»;

14) **18[2]-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«18[2]-модда. Радиоалоқанинг конфиденциаллиги**

Бошқа шахс учун мўлжалланган радиохабар қабул қилинган тақдирда уни қайд қилиш, унинг мазмунини ва мавжудлиги фактини ошкор этиш, тарқатиш ёки ўзгартириш тақиқланади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Конфиденциал ахборотни ва (ёки) давлат сирлари мавжуд бўлган маълумотларни Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштирилган ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланмаган ҳолда радиоалоқа каналлари орқали узатиш тақиқланади.

Радиочастота органлари томонидан амалга ошириладиган радиочастота спектри мониторинги радиоалоқанинг конфиденциаллигини бузиш ҳисобланмайди»;

15) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 2 август,
ЎРҚ–858-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 338 «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда — «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ) молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибадорлигини ҳамда операцион самарадорлигини ошириш, хусусийлаштиришга тайёрлаш ва банк тизимига стратегик инвесторларни жалб қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Халқаро молия корпорацияси (кейинги ўринларда — ХМК) ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан (кейинги ўринларда — ЕТТБ) жами 125 миллион АҚШ доллари миқдоридаги «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг қўшимча чиқарилган оддий акцияларига конвертация қилиш имконияти билан кредит линиялари жалб қилинганлиги;

ХМК, Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ОТБ) ва ЕТТБнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича қўшма тавсиялари тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кузатув кенгаши томонидан Банк бошқарув раиси ва унинг аъзоларини мустақил равишда тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш амалиётини тўлақонли жорий этиш ҳамда бу борада тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси ролини кучайтириш;

б) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ хусусийлаштирилгунга қадар банк оддий акциялари бўйича дивиденд тўланмаган ҳолда унинг соф фойдасини тақсимламаслик;

в) 2023 йилнинг якунига қадар:

ОТБ билан 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларини «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга жалб қилиш ҳамда мазкур кредит маблағла-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 августда эълон қилинган.

рини банк акцияларига конвертация қилиш имкониятини бериш бўйича битимни имзолаш;

ХМКнинг 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги субординар қарз маблағларини жалб қилиш;

банкнинг раҳбарлик лавозимларига хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

ЕТТБ, ХМК ва ОТБ билан ҳамкорликда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини жорий этиш;

халқаро молия институтлари ва экспертларни жалб этган ҳолда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБни уч йиллик ривожлантириш ва рақамли трансформация қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

ХМК кўмагида 100 миллион АҚШ доллари миқдорида «яшил» облигацияларни маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш;

г) 2024 йил якунига қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБни хусусийлаштириш орқали давлат улуши миқдорини 50 фоиздан камайтириш.

3. Агентлик бош директорига Ўзбекистон Республикаси номидан «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ капиталига халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш бўйича музокаралар олиб бориш ҳамда тегишли ҳужжатларни имзолаш ваколати берилсин.

4. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга банкни хусусийлаштириш ва трансформация қилиш жараёнида, Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ малакали мутахассислардан иборат танлов комиссияси томонидан мустақил равишда қуйидаги харид жараёнларини амалга ошириш ва тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин:

халқаро юридик, аудиторлик компаниялари, инвестиция маслаҳатчилари ва инвестиция банклари, илғор хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, юқори малакали хорижий эксперт ва консультантларни жалб этиш;

ахборотлаштириш қурилмалари, дастурий таъминотлар ва банкоматларни етказиб берувчи компаниялар билан шартномалар тузиш.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга ажратилган умумий қиймати 1 280,12 миллиард сўм миқдоридаги кредит линияси маблағлари дастлабки шартларни ўзгаришсиз қолдирган ҳолда субординар қарз сифатида қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги бош директори Ш.А. Вафаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 31 июль,
ПҚ–253-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 31 июлдаги
ПҚ–253-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги «Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–168-сон қарорининг 7-бандида:

а) биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Стратегик ислоҳотлар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иккинчи хатбошидаги «2022 йил 1 октябрга қадар» сўзлари «2024 йил 1 мартга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банкини жалб қилган ҳолда 2024 йил якунига қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва 2025 йил якунига қадар «Асакабанк» АТБнинг давлат улушлари хусусийлаштирилишини таъминласин»;

г) тўртинчи хатбошидаги «2023 йил 1 июлга қадар» сўзлари «2025 йил 1 январга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкини халқаро молия институтлари иштирокида хусусийлаштириш ва трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 161-сон қарорида:

а) қуйидаги мазмундаги 21-банд билан тўлдирилсин:

«21. Банкни хусусийлаштириш ва трансформация қилиш ишларини жадаллаштириш мақсадида:

Банк томонидан янги бериладиган кредитлар бозор тамойиллари ва хатарларни бошқариш тизимидан келиб чиққан ҳолда банк сиёсати асосида ажратилади;

Банкнинг Кузатув кенгаши раиси 2023 йил 31 августга қадар унинг мустақил аъзолари орасидан сайланади»;

б) 3-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «2023» рақами «2024» рақами билан алмаштирилсин;

г) 8-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ХМКга» қисқартмаси «халқаро молия институтларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 декабрдаги 778-сон қарори билан тасдиқланган 2023 йил якунига қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкини хусусийлаштириш бўйича «йўл харитаси»да:

а) 6-позицияда:

«Чора-тадбирлар» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мустақил аъзолар орасидан Банк Кузатув кенгаши раисини сайлаш»;

«Ижро муддати» устунидаги «Халқаро молия институтидан кредит линиясини конвертация қилиш тўғрисидаги хабарнома олингандан кейин 90 кун муддатда» сўзлари «2023 йил 31 августга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 38-позициянинг «Амалга ошириш механизми» устунидаги 1-банд чиқариб ташлансин;

в) 41-позицияда:

«Чора-тадбирлар» устунидан «2023 йил якунига қадар» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Ижро муддати» устунидаги «2023» рақами «2024» рақами билан алмаштирилсин;

«Масъуллар» устунидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Стратегик ислоҳотлар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 339 Оториноларингология хизматини такомиллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Оториноларингология соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, соҳадаги нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий кадрларни тайёрлаш ва илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги ассоциациясининг 2023 йил 1 сентябрдан юридик шахс мақомига эга бўлган Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказ:

оториноларингология йўналишидаги ишларни мувофиқлаштиради ҳамда «Марказ — ҳудудий тиббиёт муассасалари — туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари» тизими асосида ўз фаолиятини ташкил этади;

оториноларингологик ва бош-бўйин касалликлари соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўяди, ушбу йўналишларда мутахассисларни ўқитиш ва уларнинг кўникмаларини ривожлантириш чораларини кўради ҳамда илмий мактабни шакллантиради;

ҳудудларда оториноларингологик ва бош-бўйин касалликларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этади ҳамда юқори технологик амалиётлар кўламини кенгайтиради;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оториноларингологик ва бош-бўйин касалликлари профилактикаси, уларни эрта аниқлаш ва даволаш дастурларини амалиётга жорий этади;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорликда оториноларингологик ва бош-бўйин касалликларини даволашнинг замонавий ва юқори технологик усулларини давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари амалиётига жорий этади;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Марказда оториноларингология ихтисослиги бўйича тиббиёт кадрларини клиник ординатура орқали тайёрлаш ташкил қилинади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг оториноларингология бўлимлари Марказнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий филиаллари ҳисобланади.

Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари тиббиёт йўналишидаги олий, про-

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 августда эълон қилинган.

фессионал ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тегишли кафедралари учун клиник база сифатида фаолият юритади.

3. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш доирасидаги грантлар;

пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5199-сон қарорига мувофиқ, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузилган шартномалар асосида базавий нархларда молиялаштириш тартиби Марказ учун 2024 йил 1 январдан бошлаб татбиқ этилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб, оториноларингология ва юз-жағ жарроҳлиги йўналишларидаги тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилади.

6. 2023 — 2026 йилларда оториноларингология хизматини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминласин ҳамда Дастур ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

а) Корея Эксимбанки Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) ҳисобидан 2023-2024 йилларда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларини, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Тошкент шаҳар шифохоналарининг оториноларингология бўлимлари ва тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларини, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиалларини 2-иловага* мувофиқ зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун 17 миллион АҚШ долларини йўналтирсин;

б) 2024-2025 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун 8,6 миллион АҚШ долларини йўналтириш чораларини кўрсин:

---

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Марказда «Юқори нафас йўллари аъзолари физиологияси ва патологияси», «Эшитиш ва мувозанат аъзолари физиологияси ва патологияси», «Фониатрия ва ронхопатия» илмий лабораторияларини, симуляцион амалий лабораторияни, 5 та жарроҳлик блокини ва 60 та ўрин-жойларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш;

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида «Эшитиш заифлашувини ташхислаш, даволаш ва реабилитация муаммолари» илмий лабораториясини ташкил этиш;

Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш.

8. Белгилансинки, 2024 йилдан бошлаб:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан аудиоскрининг натижаси бўйича аниқланган заиф эшитадиган болаларни кохлеар имплантация амалиётига тайёргарлик даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча йилига камида 2 000 та рақамли эшитиш мосламалари билан таъминлаш йўлга қўйилади;

Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг вақтинча қисқартириладиган ўрин-жойлари ва штат бирликлари ҳисобидан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиаллари қабул-диагностика бўлимида туну кун хизмат кўрсатадиган қўшимча оториноларинголог ва юз-жағ жарроҳи штат бирликлари киритилади.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда оториноларингология бўйича амбулатор ва стационар шароитда ёрдам кўрсатувчи давлат тиббиёт муассасалари учун штат нормативларини қайта кўриб чиқиш ҳамда келгусида эҳтиёждан келиб чиқиб уларга ўзгартиришлар киритиб бориш чораларини кўрсин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5199-сон қарори 1-бандининг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қуйидагилар:

2021 йил 1 ноябрдан кўз микрохирургияси ва урология;

2022 йил 1 январдан кардиология, травматология ва ортопедия ҳамда акушерлик ва гинекология;

2022 йил 1 июлдан хирургия ва нейрохирургия;

2024 йил 1 январдан оториноларингология ва юз-жағ касалликлари йўналишларидаги тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилсин».

12. Марказ Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй манзилида янгидан барпо қилинаётган кўп тармоқли клиника бино ва иншоотларининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2023 йилда Давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан Марказда реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 1 август,
ПҚ–255-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 340 Қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги «2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–113-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор рақамли технологияларни кенг жорий қилиш орқали ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экинлар ҳолатини мониторинг қилишнинг идоралараро ахборот тизимларини жорий этиш мақсадида:

1. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформаси таркибида пахта, бошоқли дон, мева-сабзавотлар етиштириш учун имтиёзли кредит ажратиш жараёнларини рақамлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга шаффофлик тамойили асосида хизмат кўрсатиш учун «Агроплатформа» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Агроплатформа» АТ) жорий этилади. Бунда:

маҳсулот етиштирувчиларнинг ягона реестри жорий этилади, ҳар бир ердан фойдаланувчининг электрон паспорти шакллантирилиб, уларга идентификацион рақам берилади, ҳар календарь йилнинг 15 мартига қадар маҳсулот етиштирувчиларнинг маълумотлари янгиланади;

маҳсулот етиштирувчиларнинг келгуси йил ҳосили учун экинларни оқилона жойлаштириш бўйича таклифлари электрон харитада акс эттирилади ва тасдиқланади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида ҳужжат айланиши электрон шаклга ўтказилади;

б) 2024 йил ҳосилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банкларининг «Агроплатформа» АТ орқали электрон тарзда шакллантирилган буюртманомалари асосида молиялаштириш амалга оширилади. Бунда:

кредит шартномалари бўйича ҳисоб-китобларни «Агроплатформа» АТ орқали реал вақт режимида кўриш имконияти яратилади;

аризалар, фьючерс шартномалари, кредит шартномалари, суғурта полислари, буюртманомалар ва далолатномаларни идентификациялаш ҳамда рақамлаштириш «Агроплатформа» АТ орқали амалга оширилади;

маҳсулот етиштирувчиларга «Агроплатформа» АТдаги шахсий кабинетлари орқали электрон хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 августда эълон қилинган.

2. Белгилансинки, 2023 йил якунига қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан:

а) Геоахборот технологиялари ва космик тасвирларни таҳлил қиладиган хизматларни кўрсатиш платформаси жорий этилади.

Бунда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва кластерларга ажратилган экин майдонлари ва экинларни мустақил равишда мультиспектрал космик суратлар таҳлили асосида мониторинг қилиш, муаммоларни эрта аниқлаш ва ҳосилдорликни ошириш бўйича тавсиялар бериш тизими яратилади;

б) қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг амалдаги механизмлари рақамли технологиялар ёрдамида такомиллаштирилади. Бунда, ердан фойдаланувчиларнинг таклифларини қабул қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини электрон жойлаштириш, келишиш, маълумот ва ҳисоботларни автоматик шакллантириш учун «CropAgro» ахборот тизими жорий этилади;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Геоахборот тизими» негизида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги геопорталлари такомиллаштирилиб, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан тегишли ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига оид географик, статистик ва таҳлилий маълумотлардан очиқ фойдаланиш йўлга қўйилади;

г) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» давлат муассасаси (кейинги ўринларда — Рақамлаштириш маркази)нинг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятга ўзгартирилиб, аграр соҳада рақамлаштириш йўналишида фаолият кўрсатувчи интегратор сифатида ўрнатилган тартибда «IT-Park» резидентига айлантирилади. Бунда:

Рақамлаштириш маркази Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотларидаги рақамлаштириш йўналишидаги ходимлар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларни лойиҳаларга жалб этиш ва салоҳиятли ходимларни рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Рақамлаштириш марказининг хизматлари тижоратлаштирилади ҳамда давлат-хусусий шериклик муносабатлари ривожлантирилади;

янги ва истиқболли лойиҳаларнинг жорий этилиши ва жойларда бепул ўқув курсларининг ташкил этилиши доимий тарзда олиб борилади;

Рақамлаштириш маркази ва грант маблағлари ҳисобидан халқаро тоифадаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги мутахассислар жалб этилади;

д) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда туман қишлоқ хўжалиги бўлимларини замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш чоралари кўрилади;

е) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари учун «Агроплатформа» АТдан фойдаланиш бўйича ўқув семинарлари ташкиллаштирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов) 2024 йил 1 февралга қадар соҳадаги статистик маълумотларнинг ишончлилиги ва тезкорлигини таъмин-

лаш учун Аграр ва озиқ-овқат соҳасида вазиятларни баҳолаш марказини ишга туширсин.

Бунда, Аграр ва озиқ-овқат соҳасида вазиятларни баҳолаш марказига 12 та вазирлик ва идораларнинг 20 та йўналишдаги электрон базалари интеграция қилиниб, 70 мингта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар фаолияти бўйича 100 дан ортиқ статистик ва таҳлилий ҳисоботларда 20 дан зиёд индикаторларнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Кадастр агентлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда 2023 йил 1 октябрга қадар «Агроплатформа» АТда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантирсин.

5. Белгилансинки:

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга кўрсатилаётган хизматларни «Ягона дарча» тамойили асосида тақдим этиш мақсадида «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформасига Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг талабномасига асосан вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотлар доимий равишда тегишли давлат органлари томонидан интеграция қилиш орқали беғараз асосда тақдим этиб борилади;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш «Agrosubsidiya» ягона ахборот тизими, шунингдек, «CropAgro» ахборот тизими ва Геоахборот тизими операторига тизимларнинг доимий тарзда такомиллаштирилиши, қўшимча модуллар ва хизматлар қўшиб борилиши ҳамда техник қўллаб-қувватлаш ишлари бўйича қилинадиган сарф-харажатлари мазкур тизимлар иштирокчиларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги уч ой муддатда «Агроплатформа» АТнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мазкур ахборот тизимини татбиқ қилиш ва такомиллаштириш харажатларини қоплаш учун «Агроплатформа» АТ томонидан кўрсатиладиган хизмат тарифларини ишлаб чиқсин ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Қишлоқ хўжалигида «Агроплатформа» ахборот тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

---

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 2 август,
ПҚ–257-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 341 2023 — 2026 йилларда узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда узумчилик ва виночилик соҳасини келгусида янада барқарор ривожлантириш, янги истиқболли саноатбоп узум навларини кўпайтириш ва етиштиришни йўлга қўйиш, қайта ишлаш корхоналарини хом ашё базаси билан таъминлашни мустаҳкамлаш ва молиявий қўллаб-қувватлаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, узум ва виночилик маҳсулотлари экспорти ҳажмларини ошириш мақсадида:

1. Республикада 2023 — 2026 йилларда узумчилик ва виночиликни комплекс ривожлантириш дастури доирасида қуйидагилар:

2023-2024 йилларда янги узумзорларни барпо қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

республика ҳудудларида узум кўчатларини тайёрлаш бўйича ташкил қилинадиган «in-vitro» лабораториялари 2-иловага** мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда узумчилик ва виночилик саноатини комплекс ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

«Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирлар ҳамда мақсадли ва прогноз кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари бошчилигида лойиҳа офислари ташкил қилинсин.

2. Республикада узумчиликни ривожлантириш кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) 4-иловага** мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Кенгашга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

республика ҳудудлари ва туманларини узум етиштиришга ихтисослаштириш ҳамда узумзорларни барпо қилиш учун энг мақбул майдонларни белгилаш ҳамда ер майдонларини ажратиш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

узум етиштириш бўйича халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий деҳқончилик маданияти, қадриятларидан келиб чиқиб, узумчиликни миллий маданият сифатида ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш;

узумни йирик майдонларда, кластер ва кооперация усулида етиштириш орқали соҳада қўшилган қиймат занжирини яратиш, узумни сақлаш, саралаш ва қайта ишлашни рағбатлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

аҳоли хонадонлари ва томорқа ер участкаларида узумчилик соҳасини кенг ривожлантириш, янги ташаббускорларни аниқлаш ҳамда уларнинг манзилли дастурини тасдиқлаш;

маҳаллий узум навларининг миллий брендларини яратиш ва янги бозорларга чиқиш орқали экспортни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни тасдиқлаш;

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 августда эълон қилинган.
** 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

илмий асосланган ҳолда узум етиштириш, унинг янги ҳосилдор, данаксиз навларини яратиш мақсадида узумчилик илмий мактабини ривожлантириш ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини йўлга қўйиш.

3. 2023-2024 йилларда Тўрткўл, Элликқалъа, Асака, Булоқбоши, Жалақудуқ, Хўжаобод, Ромитан, Шофиркон, Вобкент, Бахмал, Зомин, Ғаллаорол, Фориш, Янгиобод, Шаҳрисабз, Китоб, Деҳқонобод, Ғузор, Яккабоғ, Хатирчи, Нурота, Янгиқўрғон, Чуст, Чортоқ, Косонсой, Булунғур, Ургут, Жомбой, Қўшработ, Олтинсой, Бойсун, Сариосиё, Узун, Сардоба, Ховос, Сирдарё, Бекобод, Паркент, Янгийўл, Зангиота, Оҳангарон, Тошкент, Қибрай, Ўртачирчиқ, Олтиариқ, Бешариқ, Фарғона, Янгибозор, Боғот, Ҳазорасп туманлари ва Қувасой шаҳри ҳокимликлари «Олтиариқ тажрибаси» асосида ҳар бири 2 — 2,5 минг гектар ер майдонларида узум плантациялари ташкил этсин.

Бунда, Кенгаш Фарғона водийсида узум ва экспортбоп маҳсулотларни етиштиришда деҳқончилик тажрибасига эга оилаларга мазкур бандда назарда тутилган туманларда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун ер ажратиш, амалий ва моддий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2023 — 2026 йилларда узумчиликни ривожлантириш, кластер ва кооперация усулида узум маҳсулоти етиштириш ҳамда қайта ишлаш йўналишларига инвесторлар ва халқаро молия институтларининг жалб этилган 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли қарз маблағларини йўналтирсин.

5. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ривожлантиришга ажратилган 5 млн АҚШ доллари ҳамда Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигини ривожлантиришга ажратилган 3 млн АҚШ доллари, жами 8 млн АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағларини Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятини ривожлантиришга йўналтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

6. 2023 йил 1 августдан бошлаб узум маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тизими жорий этилсин:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинларни етиштиришга ажратиладиган маблағлари ҳисобидан янги узумзорларни барпо қилиш, кўчат тайёрлаш ва «in-vitro» лабораторияларини ишга тушириш лойиҳаларини амалга ошириш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилади.

Бунда, Жамғарма маблағлари «Қишлоқ қурилиш банк» АТБга Марказий банкнинг асосий ставкасида ресурс сифатида жойлаштирилади ҳамда лойиҳа ташаббускорларига 10 йил муддатга (5 йиллик имтиёзли давр билан) 2 фоиздан кўп бўлмаган маржа билан тижорат кредити ажратилади;

б) Агентлик тадбиркорлик субъектларига узум плантацияларида агротехник тадбирларни ўтказиш, янги токзорларни барпо этиш ва бошқа хизматларни кўрсатади. Бунда:

«тайёр ҳолда топшириш» механизми асосида амалга ошириладиган лойиҳалар учун талаб этиладиган маблағлар Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратилган ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармасига келиб тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

янги узумзорларни 1 гектардан 10 гектаргача бўлган майдонларда барпо қилиш бўйича лойиҳалар Агентлик томонидан тўғридан-тўғри молиялаштирилади, йирик узумчилик плантацияси шаклидаги лойиҳалар «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ кредитлари ҳисобидан амалга оширилади;

Агентлик ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан маблағлар Марказий банкнинг асосий ставкасида тижорат банкларига ресурс сифатида жойлаштирилади;

в) Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан техник навли узум плантацияларини яратиш ҳамда узум, мевалар ва резаворлардан алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларига компенсация ва кафилликлар берилади.

7. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Ходжаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

2024 йил 1 февралга қадар узумчилик соҳаси ривожланган хорижий давлатлар илмий муассасалари ҳамда илғор тажрибага эга халқаро ташкилотлардан 100 нафарга яқин соҳа мутахассисларини жалб қилсин;

икки ой муддатда Франция Республикаси Бордо халқаро виночилик ташкилоти «Interco Nouvelle-Aquitaine» билан узумчилик ва виночиликни Ўзбекистонда ривожлантириш бўйича хорижий мутахассисларни республикага жалб этиш ҳамда соҳани ривожлантириш юзасидан тизимли ишларни ташкил этсин ҳамда 2024 йил 1 мартга қадар узумчилик ва виночилик соҳасини ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда хорижий давлатлардан келтирилган совуққа чидамли, уруғсиз, ҳосилдорлиги юқори 34 хилдаги узум навларини «in-vitro» лабораторияларида республика худудларининг табиий-иқлим шароитига мослаштириш бўйича синов-тажрибаларини ташкил қилсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2023 йил якунига қадар Қизириқ туманида Академик М. Мирзаев номидаги Боғдорчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг узум кўчатчилиги тажриба хўжалигини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамаси тажриба хўжалиги учун 200 га ер майдонини ажратсин.

9. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

жорий йилда «Made in Uzbekistan» бренди остида хорижий давлатларда миллий вино савдо уйларини очиш ҳамда вино маҳсулотлари экспортини тарғиб қилиш;

Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва бошқа импортёр давлатлар билан музокараларни олиб бориб, экспорт қилинадиган узум ва виночилик маҳсулотларининг божхона расмийлаштируви жараёнларининг қулай ва тезлаштирилган тартибини жорий этиш чораларини кўрсин.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хорижий миллий тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда маҳаллий корхоналарда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларини жорий қилиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон Фармонига асосан Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг вазифа ва функциялари 5-иловага мувофиқ вазирлик ва идораларга ўтказилган ҳолда тугатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг:

истеъмол этил спиртини ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашган этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораториялари улардаги барча жиҳозлари билан биргаликда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига;

Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ғазначилик ҳисобварақларидаги 218 млрд сўм қолдиқ маблағлари ҳамда 2023 йил 1 январгача тадбиркорлик субъектлари ва тижорат банкларига берилган қарз (кредит) ҳисобидан қайтадиган маблағлар (ресурслар) билан биргаликда Агентликка ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, қишлоқ хўжалиги вазири Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини тасарруф қилиш ҳуқуқига эга.

12. Белгилансинки, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) томонидан қабул қилинади.

Комиссия таркиби 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг амалдаги штат бирликлари доирасида истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятига лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш ишларини ташкил этишга масъул Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда давлат назоратини олиб бориш бошқармаси ташкил этилсин.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда давлат назоратини олиб бориш бошқармаси Комиссиянинг ишчи органи этиб белгилансин.

---

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.00

14. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги икки ой муддатда қўшимча вазифа ва функцияларни назарда тутувчи янги таҳрирдаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига ҳамда Солиқ қўмитасига:

2023 йил 1 августдан бошлаб истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларда;

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб тамаки маҳсулотининг улгуржи ва чакана савдоси, пиво маҳсулотининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларда тегишли лицензия ёки хабардор қилмасдан ишлаб чиқилган ва сотилган, идентификация воситалари билан маркировкаланмаган, қалбаки акциз маркали ёки акциз маркаси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳақида далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, махсус ваколатли органни хабардор қилган ҳолда текширишларни амалга ошириш ваколати берилсин.

16. Белгилансинки, Агентлик Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг барча шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Виночиликни ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг кредитлари (қарз маблағлари) ва грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

17. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда Агентлик ҳузуридаги Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, компенсациялар, кафилликлар ва қарз (кредит) маблағларини бериш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Қуйидаги даромадлар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилсин:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқарганлик ёки этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси учун тўланадиган жарима суммасининг 50 фоизи;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланадиган корхоналар томонидан лицензия талаблари бузилганлиги учун тўланадиган жарималар;

тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик учун давлат божи, шунингдек, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, алкоголь

маҳсулотларининг улгуржи савдосини амалга оширишга лицензиялар бериш учун тўланадиган йиғимлар ва йиллик лицензия тўловлари.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари мазкур қарор билан белгиланган «йўл харитаси» ва прогноз кўрсаткичларининг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳар чорак якуни билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ҳамда инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 3 август,
ПҚ–260-сон

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.00

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 3 августдаги
ПҚ–260-сон қарорига
5-ИЛОВА

## Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг вазифа ва функциялари ўтказилаётган вазирлик ва идоралар

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига:

узумчилик ва виночилик соҳасида давлат сиёсатини юритиш ҳамда соҳани ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

«учлик тизим», яъни саноатбоп янги узум навлари, плантацияларни кенгайтириш ҳамда виночиликни ривожлантиришга, шунингдек, замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ва комплекс модернизациялашга кўмаклашиш;

хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва тармоқ етакчи ишлаб чиқарувчилари вакиллари билан ҳамкорлик қилиш орқали виночилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш;

ўзбек виноларининг миллий брендини яратиш ва уни жаҳон бозорларида кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш;

узум, мева ва резаворлардан тайёрланган маҳсулотлар сифатини аниқлаш юзасидан тегишли ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилиш;

маҳаллий вино тайёрловчиларнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишда узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш;

виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги нормативлар ва технологик нормаларни жорий этишда кўмаклашиш;

ҳар чоракда маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш мақсадида виночилик маҳсулотлари дегустациясини ташкил қилиш;

виночилик соҳасида инновацион лойиҳаларни жорий этишда кўмаклашиш.

2. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилишда давлат сиёсатини юритиш, шунингдек, соҳани ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдосига доир фаолиятни лицензиялаш.

3. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини

ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилиши ҳамда сақланиш сифатини, шу жумладан, уларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланадиган корхоналар томонидан лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмаси ҳажмларининг мониторингини замонавий ахборот тизимларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш орқали олиб бориш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларни жорий этиш ва уларга риоя этилишига кўмаклашиш.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 342 Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, шунингдек, автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги фаолияти шаффофлигини таъминлаш, мазкур соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда, аҳолига қулайликлар яратиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасига миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси (кейинги ўринларда — МваФРББ) ва унинг ҳудудий бўлинмаларига мурожаат келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида мурожаат этувчининг яшаш жойига бориб, сайёр давлат хизматларини қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг яшаш жойига бориб, Давлат хизматлари ягона реестрида белгиланган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича давлат хизматларини қўшимча тўлов асосида планшет ёки компьютерга ўрнатилган техник қурилмалар ёрдамида кўрсатиш;

фуқароларнинг яшаш жойига бориб, қўшимча тўлов асосида уларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини кўрикдан ўтказиш, автомототранспорт воситаларининг ҳужжатларини ахборот технологиялари ёрдамида кўриб чиқиш, автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини фуқаронинг яшаш жойига етказиб бериш.

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 августда эълон қилинган.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойига бориб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойига бориб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатилиши учун мурожаат қилиш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойига бориб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатилишида МваФРББ ва унинг ҳудудий бўлинмалари масъул ходимларининг ҳамда мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойига бориб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби;

б) Фуқароларнинг яшаш жойига бориб, автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

фуқароларнинг яшаш жойига бориб, автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш бўйича давлат хизматлари (кейинги ўринларда — транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматлари) кўрсатилиши учун мурожаат қилиш тартиби;

фуқароларнинг яшаш жойига бориб, транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш муддатлари ва тўланадиган қўшимча тўловлар миқдорлари;

фуқароларнинг яшаш жойига бориб, транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби.

3. Белгилансинки:

2023 йил 1 декабрдан бошлаб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматлари (кейинги ўринларда — миграция ва транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматлари) хизмат кўрсатувчи ходим томонидан мурожаат этувчининг яшаш жойига бориб, планшет ёки компьютерга ўрнатилган техник қурилмалар ёрдамида қўшимча тўлов асосида кўрсатилади;

миграция ва транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматларини қўшимча тўлов асосида кўрсатишда тегишлича Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП), «Call-марказ», расмий веб-сайт ҳамда дастурий таъминотдан (мобил иловадан) фойдаланилади;

фуқароларнинг хоҳишига кўра тайёр идентификацияловчи ID-карта ва хорижга чиқиш биометрик паспортини почта орқали ёки қўшимча тўлов асо-

сида, шунингдек, автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва давлат рақами белгиларини уларнинг яшаш жойига қўшимча тўлов асосида етказиб бериш хизмати жорий этилади;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари уларнинг яшаш жойига бориб, қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) 2023 йил 1 октябрга қадар «Ўзбекистон почтаси» АЖ билан биргаликда идентификацияловчи ID-карта ва хорижга чиқиш биометрик паспортини фуқароларнинг яшаш жойига почта жўнатмаси сифатида жўнатиш тизимини йўлга қўйсин;

б) 2023 йил 1 ноябрга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

миграция ва транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишда, республика ҳудудини доимий хизмат билан қамраб оладиган «Call-марказ» ташкил қилсин;

ЯИДХП ва «Автомототранспорт ҳисоби» ахборот тизимини интеграция қилиш бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

миграция ва транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун электрон аризани (транспортни рўйхатга олиш бўйича ишончнома орқали ариза) юбориш ёки қўшимча тўлов асосида хизмат кўрсатувчи ходимни яшаш жойига чақириш имконини берадиган дастурий таъминот (мобил илова) ишга туширилишини таъминласин;

юридик шахслар томонидан ЯИДХП, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ЙҲХХ)нинг расмий веб-сайти ҳамда дастурий таъминоти (мобил иловаси) орқали янги автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш учун ишончнома, ариза юбориш ҳамда тўловларни электрон шаклда тўлашни йўлга қўйсин;

в) 2023 йил 1 декабрга қадар МваФРББнинг ҳудудий бўлинмалари учун 27 та ва ЙҲХХ бўлинмалари учун 100 та автомототранспорт воситаларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилсин ҳамда уларни ҳаракат йўналишини назорат қилиш имконини берадиган GPS қурилмалари билан жиҳозласин;

фуқароларнинг яшаш жойига бориб, миграция ва транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматлари кўрсатилишини ташкил этишни таъминлаш мақсадида МваФРББга 27 та планшет ёки компьютерга ўрнатилган техник қурилмалар, ЙҲХХга 135 та планшетни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилсин;

МваФРББга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг амалдаги штат бирликлари доирасида 27 та қўшимча штат бирлигини, ЙҲХХга Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси ҳисобидан

ЙҲХХнинг амалдаги штат бирликлари доирасида 135 та қўшимча штат бирлигини ажратсин;

миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатилишини самарали ташкил этиш, қўшимча тўлов асосида сайёр давлат хизматини кўрсатишдан тушган тушумларни кирим қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини жорий этиш мақсадида МваФРББнинг сайёр давлат хизматлари кўрсатишни ташкил этиш жамғармасини ташкил этсин;

г) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарордаги чора-тадбирлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2023 йил 1 декабрдан бошлаб қўшимча тўлов асосида кўрсатилган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича сайёр давлат хизматларини кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобидан, ЙҲХХ фаолиятига оид чора-тадбирлар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 31 июль,
321-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 31 июлдаги 321-сон қарорига
1-ИЛОВА

# Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойига бориб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг хоҳишига кўра қўшимча тўлов асосида, шунингдек, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасига қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда, Давлат хизматлари ягона реестрида белгиланган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида давлат хизматларини (кейинги ўринларда — давлат хизматлари) уларнинг яшаш жойига бориб, планшет ёки компьютерга ўрнатилган техник қурилмалар ёрдамида кўрсатиш ҳамда миграция ва фуқароликни расмийлаштиришга оид расмий ҳужжатларни қўшимча тўлов асосида етказиб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаси** — ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалинган шахслар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ижтимоий хизматларга муҳтож деб топилган шахслар;

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси;

**калькуляция** — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳамда кўрсатилган хизмат таннархини аниқлаш асосида белгиланадиган давлат хизматлари учун тўлов миқдорини аниқлаш жараёни;

**мурожаат этувчилар** — давлат хизматлари яшаш жойига бориб кўрсатилиши истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ва уларнинг қонуний вакиллари;

**сайёр давлат хизматлари** — мурожаат этувчининг яшаш жойига бориб, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, шунингдек, тайёр ҳужжатларни етказиб бериш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари;

**сайёр давлат хизматларини кўрсатиш ҳудуди** — ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат хизматлари кўрсатиладиган маъмурий ҳудуд;

**тайёр ҳужжатлар** — давлат хизматларини кўрсатиш натижасида ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қонунчилик ҳужжат-

ларига мувофиқ расмийлаштириладиган миграция ва фуқароликни расмийлаштиришга оид расмий ҳужжатлар.

3. Сайёр давлат хизматлари ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил иловаси ёки «Call-марказ»ига мурожаат қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали 1-иловага* мувофиқ схемага асосан кўрсатилади.

4. Сайёр давлат хизматлари мурожаат этувчиларнинг хоҳишига кўра қўшимча тўлов асосида, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасига эса қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатилади.

Сайёр давлат хизматлари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун давлат божи ва йиғимлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирилади.

Давлат хизматларини қўшимча тўлов асосида кўрсатишда йўл харажатлари давлат хизматини кўрсатиш ҳудуди хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, калькуляция натижаларига асосан ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ белгиланади.

Мурожаат этувчи сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши учун тўловларни ушбу хизмат кўрсатилишидан аввал амалга оширади.

Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун тўлов тўланганлиги ахборот тизимлари орқали тасдиқланади.

5. Тўловлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил иловаси ёки «Call-марказ»ига мурожаат қилинганда:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи — ягона биллинг тизими орқали давлат хизмати кўрсатилганда) — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилигидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

6. Сайёр давлат хизматлари кўрсатишни ташкил этиш ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий фаолияти сифатига ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларга таъсир қилмаслиги лозим.

7. Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

---

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 2-боб. Мурожаат этувчиларга сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун сўровларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

8. Сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши истагини билдирган мурожаат этувчилар ваколатли органнинг расмий веб-сайти, «Call-марказ», мобил иловаси ёки ЯИДХП орқали мурожаат этиши мумкин.

Мурожаат этувчилар томонидан ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил иловаси ёки ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу Регламентга 3-иловага* мувофиқ сўровнома тўлдирилади.

Бунда ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмасининг масъул ходими томонидан сўровномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилади.

9. Мурожаат этувчилар «Call-марказ» орқали мурожаат этганда, ваколатли органнинг масъул ходими томонидан қабул қилинади ва мурожаат этувчига қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

кўрсатиладиган сайёр давлат хизматларининг турлари;

сайёр давлат хизматларининг турига қараб зарур ҳужжатлар рўйхати;

сайёр давлат хизматлари учун тўлов миқдори;

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш ҳудуди.

10. Мурожаат этувчилар муайян сайёр давлат хизматини танлагандан сўнг мурожаат этган куннинг кейинги ҳафтасидан ушбу хизмат кўрсатилиши лозим бўлган кунни «Call-марказ»нинг масъул ходими билан келишади.

Агар мурожаат этувчилар хоҳлаган кунда сайёр давлат хизматларини кўрсатиш имконияти мавжуд бўлмаса, бу ҳақда мурожаат этувчилар огоҳлантирилади ва унга бошқа кунни танлаш таклиф этилади.

Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш вақти ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг иш вақти доирасида белгиланади.

11. «Call-марказ»нинг масъул ходими мурожаат этувчилардан аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасига кириши юзасидан тегишли маълумотларни сўраб олади ва улар асосида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали текширади.

Текшириш натижаларига асосан мурожаат этувчилар ҳақиқатдан ҳам аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасида эканлиги тасдиқланса, «Call-марказ»нинг масъул ходими ушбу маълумотларни тизимда қайд этади.

Мурожаат этувчилар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида аниқланмаган ҳолларда, яшаш жойига сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун келган ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмаси масъул ходимига аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасида эканлиги тўғрисида тегишли маълумотларни тақдим этади.

12. «Call-марказ»нинг масъул ходими томонидан мурожаат этувчиларнинг мурожаати электрон шаклдаги рўйхатга олиш китобида (кейинги ўринларда — электрон китоб) қайд этилади.

Электрон китобга мурожаат этувчиларнинг шахсига оид маълумотлар,

---

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

яшаш жойи ва сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши лозим бўлган кун киритилади.

Электрон китоб ҳимояланган алоқа каналлари орқали ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасида интеграция қилинади.

13. «Call-марказ»нинг масъул ходими мурожаатни қабул қилгандан сўнг ваколатли орган ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмасини сайёр давлат хизматларини кўрсатиш ҳақида хабардор қилади.

Ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмаси сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши тўғрисидаги хабарни олгач, ушбу хизматларни кўрсатишга тайёргарлик кўради.

14. Мурожаат этувчилар ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил иловаси ёки ЯИДХП орқали мурожаат этганда, кўрсатиладиган тегишли сайёр давлат хизматини танлайди ва хизмат турига кўра тегишли йўриқнома билан танишиб чиқади ҳамда мурожаат этилган куннинг кейинги ҳафтасидан ушбу хизмат кўрсатилиши лозим бўлган бўш кунни белгилайди.

Мурожаат этувчилар расмий веб-сайт, мобил илова ёки ЯИДХПдаги йўриқнома орқали қуйидаги маълумотларга эга бўлади:

кўрсатиладиган сайёр давлат хизматининг турлари;

сайёр хизматнинг турига қараб зарур ҳужжатлар рўйхати;

сайёр давлат хизмати учун тўлов миқдори;

сайёр давлат хизматини кўрсатиш ҳудуди.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасидаги шахслар ушбу тоифада эканлигини тасдиқловчи маълумотларни ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил иловаси ёки ЯИДХПга PDF шаклида киритади.

15. Расмий веб-сайт, мобил илова ёки ЯИДХП орқали юборилган мурожаат сайёр давлат хизматларини кўрсатиш ҳудудлараро онлайн навбатида автоматик равишда рўйхатга олинади.

16. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари расмий веб-сайт, мобил илова ва ЯИДХПдаги онлайн навбатларни кунлик мониторинг қилиб боради ҳамда тегишли сайёр давлат хизматларини кўрсатишга тайёргарлик кўради.

## 3-боб. Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

17. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари мурожаат этувчиларнинг яшаш жойига хизмат автотранспорт воситасида етиб боради ва планшет ёки компьютерга ўрнатилган техник қурилмалар ёрдамида давлат хизматларини кўрсатади.

18. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари кўрсатилган сайёр давлат хизматлари тўғрисида далолатнома тузади.

Далолатномада кўрсатилган давлат хизматларининг тури, давлат хизматлари кўрсатилган жой ва сана қайд этилади.

19. Агар мурожаат этувчилар ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари етиб келгандан сўнг мурожаатда кўрсатилган манзилда бўлмаса, масъул ходимга муайян сайёр давлат хизматини кўрсатиш учун зарур шароит яратмаса, мастлик ҳолатида бўлса ва ўзининг хатти-ҳа-

ракатлари билан сайёр давлат хизмати кўрсатилишига тўсқинлик қилса ёки масъул ходимнинг талабига биноан сўралган ҳужжатларни тақдим этмаса, бу сайёр давлат хизматларини кўрсатмасликка асос бўлади ва далолатномада тегишли ёзув билан қайд этилади.

Бундай ҳолатларда сайёр давлат хизматлари кўрсатилган деб ҳисобланади ва тўланган тўловлар қайтарилмайди.

## 4-боб. Кўрсатилган сайёр давлат хизматлари натижаларига кўра расмийлаштириладиган расмий ҳужжатларни қўшимча тўлов асосида етказиб бериш хизматини ташкил этиш тартиби

20. Сайёр давлат хизматлари кўрсатилиб бўлгандан сўнг ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари мурожаат этувчиларни тайёр ҳужжатни қўшимча тўлов асосида етказиб бериш хизмати (кейинги ўринларда — етказиб бериш хизмати) ёки тайёр ҳужжатни почта хизмати орқали юбориш имконияти мавжудлиги тўғрисида хабардор қилади.

Мурожаат этувчилар тайёр ҳужжатнинг почта хизмати орқали юборилиши истагини билдирганда, ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари тайёр ҳужжатни мурожаат этувчилар яшаш жойига етказилиши учун «Ўзбекистон почтаси» АЖни электрон тизим орқали хабардор қилади.

«Ўзбекистон почтаси» АЖ тайёр ҳужжатни мурожаат этувчиларнинг яшаш жойига беш иш куни мобайнида етказиб беради.

21. Почта хизмати орқали етказиб бериш хизмати натижаси учун амалга ошириладиган тўловлар мурожаат этувчилар томонидан қопланади.

22. Мурожаат этувчилар етказиб бериш хизмати қўшимча тўлов асосида кўрсатилиши истагини билдирса, ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари мурожаат этувчиларнинг мурожаатини шу ернинг ўзида қатъий ҳисобда турадиган рўйхатга олиш журналида қайд этади ва мурожаат этувчилар билан етказиб бериш кунини келишади.

23. Агар мурожаат этувчилар тайёр ҳужжатни етказиб бериш хизматидан фойдаланишдан бош тортса, масъул ходим унга ҳужжат тайёр бўлиш муддатини ва ушбу тайёр ҳужжатни қаердан олиб кетиши мумкинлигини тушунтиради.

24. Масъул ходим шу куннинг ўзида рўйхатга олиш журналида мурожаат этувчиларнинг шахсига доир маълумотлар, етказиб бериш манзили ва тайёр бўладиган ҳужжатнинг тури, етказиб бериш санасини акс эттиради, агар мурожаат этувчи почта хизматини танлаган бўлса, бу ҳақда тегишли ёзувни қайд этади.

## 5-боб. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари масъул ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

25. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаат этувчилардан сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган барча ҳужжатларни сўраб олиш;

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган шароитлар билан таъминланишини сўраш;

мурожаат этувчиларнинг ҳужжатларини текшириш мақсадида электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш.

26. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари:

давлат хизматларини, шу жумладан, сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун етарли малакага эга бўлиши;

сайёр давлат хизматлари кўрсатилишидан камида 1 соат олдин мурожаат этувчилар билан боғланиб, ушбу хизматлар кўрсатилиши зарурати мавжудлиги, мурожаатда кўрсатилган манзил ва соатлар ўзгармаганлигини сўраши, давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўладиган ва тайёрлаб қўйилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳақида батафсил тушунтириш бериши;

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш муддатларига қатъий риоя қилиши;

сайёр давлат хизматлари кўрсатилишидан олдин хизмат автотранспорт воситаси ҳамда планшет ёки компьютерга ўрнатилган техник қурилмалар соз эканлигини текшириши;

сайёр давлат хизматлари кўрсатилаётган ҳар қандай вазиятда вазмин, хушмуомала, одобли ва эътиборли бўлиш, мурожаат этувчиларга ҳурмат билан ҳамда «Сиз» деб мурожаат қилиш, улар билан ўзаро муносабатларда муомала маданияти ва қонунийликка қатъий риоя қилиши;

сайёр давлат хизматлари кўрсатилганлиги тўғрисида ҳамда мурожаат этувчилар билан юзага келган ҳолатлар тўғрисида далолатнома тузиши;

мурожаат этувчиларга тайёр ҳужжатларни етказиб бериш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини ва ушбу турдаги хизматни кўрсатиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар бериши шарт.

Сайёр давлат хизматлари ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари масъул ходимларининг айби билан белгиланган муддатларда ва тартибда кўрсатилмаган тақдирда, уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларга мувофиқ чора кўрилади.

## 6-боб. Мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

27. Мурожаат этувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимларидан ўзини таништиришини, шахсини ёки иш жойини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишини талаб қилиш;

кўрсатилаётган сайёр давлат хизматлари жараёни билан батафсил танишиш;

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари мурожаат этувчиларнинг яшаш жойига етиб боришгача бўлган жараёнда сайёр давлат хизматлари кўрсатилишини рад этиш;

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари устидан юқори турувчи органга шикоят билан мурожаат қилиш.

28. Мурожаат этувчилар:

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари томонидан сўралган барча зарур ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиши;

мурожаатда кўрсатилган манзилда сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши лозим бўлган кунда ва белгиланган вақтда ҳозир бўлиши;

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари фаолиятига сайёр давлат хизматлари кўрсатилаётган жараёнда тўсқинлик қилмаслиги;

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимларига сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур шароитларни яратиши шарт.

## 7-боб. Якунловчи қоидалар

29. Мурожаат этувчилар сайёр давлат хизматлари кўрсатилишини қуйидаги ҳолларда рад этиши мумкин:

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш зарурати қолмаганда;

сайёр давлат хизматлари ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари айби билан белгиланган муддатларда ва тартибда кўрсатилмаган ҳолатларда.

30. Мурожаат этувчилар томонидан сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши рад этилганда, мазкур хизматлар учун тўланган тўловлар қайтарилади, бундан ушбу Регламентнинг 19-бандида кўрсатилган ҳолатлар мустасно.

31. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 31 июлдаги 321-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Фуқароларнинг яшаш жойига бориб, автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент фуқароларнинг яшаш жойига бориб, автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш (кейинги ўринларда — транспортни рўйхатга олиш бўйича сайёр давлат хизматлари) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати;

**калькуляция** — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳамда кўрсатилган хизмат таннархини аниқлаш асосида белгиланадиган давлат хизматлари учун тўлов миқдорини аниқлаш жараёни;

**мурожаат этувчилар** — давлат хизматлари яшаш жойига бориб кўрсатилиши истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг қонуний вакиллари;

**сайёр давлат хизматлари** — мурожаат этувчиларнинг яшаш жойига бориб транспортни рўйхатга олиш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари, шунингдек, тайёр ҳужжатларни етказиб бериш;

**сайёр давлат хизматларини кўрсатиш ҳудуди** — ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиладиган маъмурий ҳудуд;

**тайёр ҳужжатлар** — транспортни рўйхатга олиш бўйича сайёр давлат хизматларини кўрсатиш натижасида ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштириладиган автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари.

3. Сайёр давлат хизматлари ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил иловаси ёки «Call-марказ»ига мурожаат қилиш орқали ушбу Регламентга 1-иловага* мувофиқ схемага асосан кўрсатилади.

Транспортни рўйхатга олиш бўйича сайёр давлат хизматлари қўшимча тўлов асосида бир, уч ва беш кунда (кейинги ўринларда — сайёр давлат хизматлари кўрсатиладиган кунлар) кўрсатилади.

Транспортни рўйхатга олиш бўйича сайёр давлат хизматлари бир кунда кўрсатилганда — қўшимча тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 барава-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ри, уч кунда кўрсатилганда — 3 баравари, беш кунда кўрсатилганда — 2 баравари миқдорида тўланади.

Хизмат кўрсатиш масофаси 10 километрдан ошганда, ҳар бир километр учун қўшимча тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида тўланади.

4. Транспортни рўйхатга олиш бўйича сайёр давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун давлат божи ва йиғимлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

Транспортни рўйхатга олиш бўйича қўшимча тўлов асосида сайёр давлат хизматларини кўрсатишда йўл харажатлари давлат хизматларини кўрсатиш ҳудуди хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, калькуляция натижаларига асосан ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ белгиланади.

Мурожаат этувчилар сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши учун тўловларни ушбу хизматлар кўрсатилишидан аввал тўлайди.

Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун тўлов тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали аниқланади.

5. Ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил иловаси ёки «Call-марказ»и орқали мурожаат этилганда, тўловлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

90 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига;

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

6. Сайёр давлат хизматлари кўрсатишни ташкил этиш ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий фаолияти сифатига ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларга таъсир қилмаслиги шарт.

7. Транспорт воситасини рўйхатга олиш бўйича сайёр давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича фаолият Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг тегишли ўринбосари томонидан назорат қилинади.

## 2-боб. Мурожаат этувчиларнинг сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши учун сўровларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби

8. Транспорт воситасини рўйхатга олиш бўйича сайёр давлат хизматларидан фойдаланиш истагини билдирган мурожаат этувчилар ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил иловаси ёки «Call-марказ»и орқали мурожаат этиши мумкин.

9. Мурожаат этувчилар ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил

---

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

иловаси ёки «Call-марказ»и орқали мурожаат этганда, унга қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

сайёр давлат хизматлари кўрсатиладиган кунлар ва муддатлар;

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати;

сайёр давлат хизматлари учун тўлов миқдори;

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш ҳудуди.

10. Мурожаат этувчилар сайёр давлат хизматларини кўрсатиш кунини танлагандан сўнг ушбу хизматлар кўрсатилиши лозим бўлган кунни «Call-марказ»нинг масъул ходими билан келишади.

Агар мурожаат этувчилар хоҳлаган кунда сайёр давлат хизматларини кўрсатиш имконияти мавжуд бўлмаса, бу ҳақда мурожаат этувчилар огоҳлантирилади ва уларга бошқа кунни танлаш таклиф этилади.

Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш куни ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг иш вақти доирасида белгиланади.

«Call-марказ»нинг масъул ходими томонидан мурожаат этувчиларнинг мурожаати электрон шаклдаги рўйхатга олиш китобида (кейинги ўринларда — электрон китоб) қайд этилади.

Электрон китобга мурожаат этувчиларнинг шахсига ва яшаш жойига оид маълумотлар киритилади.

Электрон китоб ҳимояланган алоқа каналлари орқали ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасида интеграция қилинади.

«Call-марказ»нинг масъул ходими мурожаатни қабул қилиб олгандан сўнг ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сайёр давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисида хабар келиб тушганлиги ҳақида хабардор қилади.

Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши тўғрисидаги хабарни олгач, ушбу хизматларни кўрсатишга тайёргарлик кўради.

11. Мурожаат этувчилар ваколатли органнинг расмий веб-сайти ёки мобил иловаси орқали мурожаат этганда, расмий веб-сайтда ва мобил иловада акс эттирилган сайёр давлат хизматлари кўрсатиладиган кунларни танлайди.

Расмий веб-сайт ёки мобил илова орқали юборилган мурожаат сайёр давлат хизматларини кўрсатиш ҳудуди кесимида онлайн навбатда автоматик равишда рўйхатга олинади.

Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари расмий веб-сайт ёки мобил иловадаги онлайн навбатларни кунлик мониторинг қилиб боради ҳамда тегишли сайёр давлат хизматларини кўрсатишга тайёргарлик кўради.

## 3-боб. Сайёр давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

12. Ваколатли органнинг расмий веб-сайти, мобил иловаси ёки «Call-марказ»и орқали келиб тушган мурожаатни масъул ходим қабул қилгандан сўнг уни тизим орқали шу куннинг ўзида тегишли ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларига жўнатади.

Ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари масъул ходимлари тақдим этилган барча ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, камчиликлар аниқланмаган тақдирда, автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани (кейинги ўринларда — гувоҳнома) чоп этади ва бириктирилган давлат рақами белгисини тайёрлайди.

Тайёр бўлган гувоҳнома ҳамда давлат рақами белгисини ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмаси масъул ходимига топширади.

13. Масъул ходим ҳужжатларни олгач, мурожаат этувчиларнинг мурожаатида кўрсатилган манзилга етиб боради, рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситасини кўздан кечиради ҳамда автотранспорт воситасининг рақам агрегатлари ва бошқа техник параметрларининг рўйхатдан ўтказиш маълумотларига мос келишини текширади.

14. Ҳужжатлар мос бўлган тақдирда, гувоҳнома ва давлат рақами белгиси ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмасининг масъул ходими томонидан мурожаат этувчига тақдим қилинади.

Мурожаат этувчилар гувоҳнома ва давлат рақами белгисини қабул қилиб олганлиги ҳамда ундаги маълумотларнинг тўғрилигини идентификация қилишнинг замонавий воситалари (электрон рақамли имзо, мобил-ID ва бошқалар) орқали тасдиқлайди.

15. Гувоҳномани расмийлаштиришда ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмасининг масъул ходими томонидан техник тусдаги хатоликларга йўл қўйилганда, мурожаат этувчиларга тегишли гувоҳнома қайта расмийлаштирилиб, тақдим этилади.

Техник тусдаги хатоликларга йўл қўйилган гувоҳнома тегишли далолатнома асосида хизмат кўрсатувчи бўлинма томонидан олиб қўйилади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади.

16. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмасининг масъул ходими томонидан техник тусдаги хатоликларга йўл қўйилганлиги муносабати билан гувоҳномани қайта расмийлаштириш учун мурожаат этувчилардан тўлов ундирилмайди.

17. Агар мурожаат этувчилар ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари етиб келгандан сўнг нотўғри маълумотлар тақдим этган бўлса, мурожаатда кўрсатилган манзилда бўлмаса, масъул ходимга сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур шароит яратмаса, мастлик ҳолатида бўлса ва ўз хатти-ҳаракатлари билан сайёр давлат хизматлари кўрсатилишига тўсқинлик қилса ёки масъул ходимнинг талабига биноан сўралган ҳужжатларни тақдим қилмаса, сайёр давлат хизматлари кўрсатилмайди ва бу ҳақда далолатнома тузилади.

Бундай ҳолатларда сайёр давлат хизматлари кўрсатилган деб ҳисобланади ва тўланган тўловлар қайтарилмайди.

## 4-боб. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмалари масъул ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаат этувчилардан сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган барча ҳужжатларни сўраб олиш;

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган шароитлар билан таъминланишини сўраш;

мурожаат этувчиларнинг ҳужжатларини текшириш мақсадида электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш.

19. Ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари қуйидагиларга мажбур:

давлат хизматларини, шу жумладан, сайёр давлат хизматларини кўрсатиш учун етарли малакага эга бўлиш;

сайёр давлат хизматлари кўрсатилишидан камида 1 соат олдин мурожаат этувчилар билан боғланиб, ушбу хизматлар кўрсатилиши зарурати мавжудлиги, мурожаатда кўрсатилган манзил ва хизмат кўрсатиш соатлари ўзгармаганлигини сўраш, давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўладиган ва тайёрланиб, қўшилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳақида батафсил тушунтириш бериш;

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш муддатларига қатъий риоя қилиш;

сайёр давлат хизматлари кўрсатилишидан олдин хизмат автотранспорт воситаси ҳамда планшет соз эканлигини текшириш;

сайёр давлат хизматлари кўрсатилаётганда ҳар қандай вазиятда вазмин, хушмуомала, одобли ва эътиборли бўлиш, мурожаат этувчиларга ҳурмат билан ҳамда «Сиз» деб мурожаат қилиш, улар билан ўзаро муносабатларда муомала маданияти ва қонунийликка қатъий риоя этиш;

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида мурожаат этувчилар билан юзага келган салбий ҳолатлар тўғрисида тегишли далолатнома тузиш.

Сайёр давлат хизматлари ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмасининг масъул ходими айби билан белгиланган муддатларда ва тартибда кўрсатилмаган тақдирда, мазкур ходимга нисбатан қонунчиликка мувофиқ чора кўрилади.

## 5-боб. Мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. Мурожаат этувчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмасининг масъул ходимидан ўзини таништиришини, шахсини ёки иш жойини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишини талаб қилиш;

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш жараёни билан батафсил танишиш;

сайёр давлат хизматлари кўрсатилишини рад этиш;

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари устидан юқори турувчи органга шикоят билан мурожаат қилиш.

21. Мурожаат этувчилар:

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари томонидан сўралган барча зарур ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиши;

мурожаатда кўрсатилган манзилда сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши лозим бўлган кунда ва белгиланган вақтда ҳозир бўлиши;

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимларига сайёр давлат хизматлари кўрсатилаётган жараёнда тўсқинлик қилмаслиги;

ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимларига сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган шароитларни яратиши шарт.

### 6-боб. Якунловчи қоидалар

22. Мурожаат этувчилар сайёр давлат хизматлари кўрсатилишини қуйидаги ҳолатларда рад этиши мумкин:

сайёр давлат хизматларини кўрсатиш зарурати қолмаганда;

сайёр давлат хизматлари ваколатли орган ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг масъул ходимлари айби билан белгиланган муддатларда ва тартибда кўрсатилмаган ҳолатларда.

23. Мурожаат этувчилар томонидан сайёр давлат хизматлари кўрсатилиши рад этилганда, мазкур хизматлар учун тўланган тўловлар қайтарилади, бундан ушбу Регламентнинг 17-бандида кўрсатилган ҳолатлар мустасно.

24. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 343 Аграр ва озиқ-овқат соҳалари учун субсидия ажратиш тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 5 апрелдаги ПҚ–113-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, аграр ва озиқ-овқат соҳалари учун субсидия ажратиш тизимини такомиллаштириш ҳамда бу борадаги мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 30 декабрдаги ПФ–287-сон Фармонига мувофиқ:

барча турдаги субсидиялар «2+1» тамойили асосида жорий этилиши, бунда субсидия дастлабки икки йил давомида тақдим этилиши белгиланганлиги ва уни баҳолаш натижалари бўйича самарадорлик кўрсаткичлари ижобий деб топилганда, субсидиянинг амал қилиш муддати қўшимча бир йилга узайтирилиши;

амал қилиш муддати белгиланмаган субсидиялар 2025 йил 1 январга қадар жорий этилган деб ҳисобланиши;

тақдим этилган субсидиялардан мақсадсиз фойдаланилганда, субсидияларни қўллаш шартларига риоя этилмаганда, субсидия олиш учун сохта ҳужжатлар тақдим этилганда, субсидиялар улар ажратилган кундан бошлаб Марказий банкнинг асосий ставкасида ҳисобланган фоиз тўловлари (пеня) билан субсидия олувчилардан қайтариб олиниши ва бунда ҳисобланган фоиз тўловлари (пеня) миқдори берилган субсидия миқдорининг ярмидан кўп бўлмаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

агросубсидияларнинг янги турларини жорий этиш, мавжуд агросубсидияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва айрим турларини бекор қилиш тартиби;

агросубсидия олиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар, уларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш тартиби;

агросубсидияни ажратиш ва унинг ажратилиши бўйича ҳисобот ҳамда мониторинг юритиш тартиби;

агросубсидияларнинг ажратилиши ҳамда улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 августда эълон қилинган.

2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузурида ташкил этиладиган Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича техник ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Техник ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар Техник ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялашнинг устувор йўналишларини белгилаш, агросубсидиянинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш, самарадорлиги паст бўлган субсидия турларини бекор қилиш ва янги турларини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

тасдиқланган дастур ва «йўл хариталари»нинг ижроси бўйича масъул вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг ҳисоботларини жамлаш ва таҳлил қилиш.

5. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ агросубсидияларни тақдим қилишни давом эттириш ёки тақдим қилишни тугатиш, янги турдаги субсидияларни жорий қилиш Техник ишчи гуруҳнинг хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимчалар киритилсин:

агросубсидиялар бўйича «2+1» тамойилига асосан ажратилган субсидияларнинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш механизмини жорий этиш;

ажратилган субсидияларнинг самарадорлик кўрсаткичларини «ижобий» ёки «салбий» деб баҳолаш мезонларини белгилаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 3 август,
331-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 3 августдаги 331-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш** — аграр ва озиқ-овқат соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида субсиядининг янги турларини жорий этиш, мавжуд агросубсидияларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки самарадорлиги паст бўлган агросубсидия турларини бекор қилиш, шунингдек, агросубсидияларни ажратиш ҳамда уларнинг ҳисобини ва мониторингини юритиш;

**агросубсидия ажратадиган субъект** — агросубсидия ажратиш бўйича ижобий хулосага асосан республика бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия ажратадиган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;

**агросубсидия олувчи субъект** — аграр ва озиқ-овқат соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъекти;

**агросубсидия** — аграр ва озиқ-овқат соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бериладиган молиявий ёрдам;

**ваколатли давлат органи** — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ агросубсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш учун ижобий ёки салбий хулосани бериш ваколатига эга бўлган давлат органлари.

### 2-боб. Агросубсидияни жорий этиш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва уни бекор қилиш тартиби

3. Агросубсидия аграр ва озиқ-овқат соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тегишли қонунчилик ҳужжатлари асосида жорий этилади.

4. Агросубсидиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки самарадорлиги паст бўлган агросубсидия турини бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 23 октябрдаги ПФ–5853-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия

вазирлиги билан келишилган хулосасига кўра тегишли қонунчилик ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Бунда:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича техник ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Техник ишчи гуруҳ) агросубсидиянинг самарадорлик кўрсаткичини ўрганади;

Техник ишчи гуруҳ агросубсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий» деб баҳоланганда, агросубсидиянинг амал қилиш муддати тугашидан камида уч ой олдин унинг муддатини узайтириш тўғрисида, агросубсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланганда, ушбу агросубсидия турини бекор қилиш тўғрисида Мувофиқлаштирувчи кенгашга таклиф киритади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда, бир ҳафта муддатда агросубсидиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки самарадорлиги паст бўлган агросубсидия турини бекор қилиш тўғрисида хулоса қабул қилади;

манфаатдор вазирлик ва идоралар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган хулосасига кўра икки ой муддатда агросубсидиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки агросубсидия турини бекор қилиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқади.

5. Агросубсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мезонларга асосан «ижобий» ёки «салбий» деб баҳоланади.

## 3-боб. Агросубсидия олиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар, уларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш тартиби

6. Агросубсидия олувчи субъект агросубсидия олиш учун агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишчи гуруҳга ариза билан мурожаат қилади.

7. Аризага агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар илова қилинади.

Бунда қуйидаги ҳужжатларнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди:

уюшмаларга аъзолик тўғрисидаги гувоҳнома (маълумотнома);

агросубсидия олувчи субъектда ишловчи ходимлар сони тўғрисидаги маълумотнома;

агросубсидия олувчи субъектнинг молиявий ва бухгалтерия ҳисоботлари;

суғурта шартномаси ва суғурта полисининг нусхаси.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун агросубсидия олувчи субъект жавобгар ҳисобланади.

8. Агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишчи гуруҳ агросубсидия олувчи субъектнинг аризасига мувофиқ агросубсидиянинг тегишли тури бўйича бажарилган иш ва хизматларни (маҳсулотларни) жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқади ҳамда агросуб-

сидияни ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосани ваколатли давлат органига тақдим этади.

9. Агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатли давлат органи ишчи гуруҳ хулосасини ўрганиб чиқади ва хулоса келиб тушган санадан бошлаб уч иш кунида агросубсидия олувчи субъектга агросубсидия ажратилиши ёки ажратилмаслиги тўғрисида жавоб хати юборади.

10. Қуйидагилар агросубсидия олувчи субъектга агросубсидия ажратишни рад этиш учун асос бўлади:

агросубсидия олувчи субъект томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганда;

аризага тегишли ҳужжатлар илова қилинмаганда.

Агросубсидия олувчи субъектга агросубсидия ажратишни бошқа асослар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

11. Агросубсидия олувчи субъектнинг аризасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, агросубсидия олувчи субъектга юбориладиган жавоб хатида аризани рад этишнинг асосланган сабаблари кўрсатилиши шарт.

12. Агросубсидия ажратишни рад этишга асос бўлган камчиликлар агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда бартараф этилгандан сўнг агросубсидия олувчи субъект такроран ариза топшириш ҳуқуқига эга.

13. Агросубсидия олувчи субъект агросубсидия ажратишни рад этиш бўйича хулосадан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

14. Агросубсидияларнинг мақсадли ажратилганлиги бўйича агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишчи гуруҳ жавобгар ҳисобланади.

## 4-боб. Агросубсидияни ажратиш тартиби

15. Агросубсидия олувчи субъектга агросубсидия ажратилиши бўйича жавоб хати юборилгандан сўнг ваколатли давлат органлари уч иш кунида агросубсидия олувчи субъектга унинг аризасига мувофиқ агросубдия ажратиш бўйича тўлов ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизими орқали Ғазначилик хизмати қўмитасига жўнатади.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси тўлов ҳужжатларини олгандан сўнг бир иш кунида бюджетдан тегишли субсидия суммасини агросубсидия олувчи субъектнинг банк ҳисобварағига ўтказади.

## 5-боб. Агросубсидиянинг ажратилиши бўйича ҳисобот ва мониторинг юритиш

17. Агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатли давлат органи ажратилаётган агросубсидияларнинг

самарадорлиги тўғрисида ҳар йили 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳисоботларни тақдим этиб боради.

18. Агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишчи гуруҳ бир йилда камида икки марта агросубсидия турининг мақсадли ажратилганлиги бўйича мониторинг юритади.

19. Агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ишчи гуруҳ мониторинг жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланганда, ваколатли давлат органига билдиришнома юборади:

агросубсидиядан самарасиз фойдаланилганда;

агросубсидияни қўллаш шартларига риоя этилмаганда;

агросубсидия олувчи субъект томонидан тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёки маълумотларни нотўғри ёхуд бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

20. Агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатли давлат органи ишчи гуруҳ билдиришномасига асосан ўн иш кунида ҳар бир ҳолат бўйича ўрганиш ўтказади.

Бунда ўрганишлар якуни бўйича мазкур Низомнинг 19-бандидаги қайд этилган ҳолатлар аниқланганда, агросубсидия ажратишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатли давлат орган агросубсидия олувчи субъектга ажратилган агросубсидияни қайтариш бўйича қуйидаги чораларни кўради:

ажратилган агросубсидияни ихтиёрий равишда қайтариш тўғрисида талабнома юбориш;

ажратилган агросубсидияни қайтариш тўғрисида судга даъво аризасини киритиш.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

21. Агросубсидия бериш бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, суд тартибида ҳал қилинади.

22. Агросубсидия олувчи субъектга агросубсидиянинг мақсадли ажратилиши ва ундан самарали фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 3 августдаги 331-сон қарорига
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги $27^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$27^1$. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 587-сон қарори билан тасдиқланган Лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги $18^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$18^1$. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда ҳамда сув ва ёқилғи-мойлаш ресурсларининг тежалишига эришилганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, сув ва ёқилғи-мойлаш ресурсларининг тежалишига эришилмаганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 ноябрдаги 952-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 20[1]-банд билан тўлдирилсин:

«20[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 22[1]-банд билан тўлдирилсин:

«22[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектлар томонидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерлар фойдаланишга киритилганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан тегишли ерлар фойдаланишга киритилмаганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 12 майдаги 280-сон қарорида:

а) 2020 — 2023 йилларда «Паррандасаноат» уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари томонидан импорт қилинган бир кунлик наслдор жўжалар учун субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 22[1]-банд билан тўлдирилсин:

«22[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ва ишлаб чиқариш қуввати ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади»;

б) 2021 — 2023 йилларда чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга улар томонидан қўлда гилам тўқишга ихтисослашган ҳунармандлар ва ташкилотларга сотилган «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкиларнинг жуни учун субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 20[1]-банд билан тўлдирилсин:

«20[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг «меринос» зотли қўй ва «ангор» зотли эчкилар сони ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 501-сон қарори билан тасдиқланган Тугатилаётган ёки мақбуллаштирилаётган фермер хўжалиги ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа субъектларга ажратилган ер майдонида сарфланган харажатлар қийматини ҳисоблаш ва қоплаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 24[1]-банд билан тўлдирилсин:

«24[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

тугатиш ёки мақбуллаштириш жараёнида фермер хўжалиги ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа субъектлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари бузилмаганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 47[1]-банд билан тўлдирилсин:

«47[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда ҳамда сув ва ёқилғи-мойлаш ресурсларининг тежалишига эришилганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, сув ва ёқилғи-мойлаш ресурсларининг тежалишига эришилмаганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 мартдаги 128-сон қарори билан тасдиқланган Пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 23[1]-банд билан тўлдирилсин:

«23[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда ҳамда сув ва ёқилғи-мойлаш ресурсларининг тежалишига эришилганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, сув ва ёқилғи-мойлаш ресурсларининг тежалишига эришилмаганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 24[1]-банд билан тўлдирилсин:

«24[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларида маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июлдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) хўраки, кишмишбоп ва саноатбоп ток кўчатлари ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги $32^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$32^1$. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг хўраки, кишмишбоп ва саноатбоп ток кўчатлари сони ҳамда маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги 24-сон қарори билан тасдиқланган Лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) қурилмалари қийматининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги $22^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$22^1$. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда, шунингдек, муқобил энергияни жорий этиш орқали энергия тежашга эришилганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 январдаги 37-сон қарори билан тасдиқланган Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қо-

плаб бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 19[1]-банд билан тўлдирилсин:

«19[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ошганда ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарори билан тасдиқланган Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 35[1]-банд билан тўлдирилсин:

«35[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳамда уларни реализация қилиш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Узумчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини юритувчи ва виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 10 июндаги 327-сон қарорида:

а) Янги интенсив боғ ва токзорларда лойиҳа асосида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станциясини қуриш ва қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси қурилмасини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 31[1]-банд билан тўлдирилсин:

«31[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш

бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда ҳамда сув ва ёқилғи-мойлаш ресурсларининг тежалишига эришилганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, сув ва ёқилғи-мойлаш ресурсларининг тежалишига эришилмаганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади»;

б) Узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 26[1]-банд билан тўлдирилсин:

«26[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади»;

в) Узум (майиз) қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 24[1]-банд билан тўлдирилсин:

«24[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот етиштириш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади»;

г) Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 24[1]-банд билан тўлдирилсин:

«24[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошганда ҳамда виночилик йўналишидаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади»;

д) Маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан узум ва мева-резаворлардан тайёрланган ҳамда табиий равишда ачитилган ҳар бир литр табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва бренди маҳсулотларини экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 15[1]-банд билан тўлдирилсин:

«15[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 июлдаги 360-сон қарори билан тасдиқланган Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш бўйича агротехник тадбирлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом қуйидаги мазмундаги 25[1]-банд билан тўлдирилсин:

«25[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субси-

диялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда ёхуд пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари пасайганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачилик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 6 июлдаги 368-сон қарорида:

а) Қоракўлчилик субъектларига улар томонидан экспорт қилинган қоракўл ва қоракўлча тери учун субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 28[1]-банд билан тўлдирилсин:

«28[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг қоракўл ва қоракўлча териларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади»;

б) Қоракўлчилик кластерларига сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишга сарфланган харажатлар учун субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 28[1]-банд билан тўлдирилсин:

«28[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг қоракўл ва қоракўлча териларини етиштириш ҳамда экспорт қилиш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 августдаги 460-сон қарори билан тасдиқланган Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик ҳимоя усулини қўллашни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 23[1]-банд билан тўлдирилсин:

«23[1]. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 июлдаги 305-сон қарори билан тасдиқланган Пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан пилла боқувчиларга етказиб берилган ипак қурти уруғи учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги $14^{1}$-банд билан тўлдирилсин:

«$14^{1}$. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузуридаги Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини субсидиялаш бўйича Техник ишчи гуруҳ томонидан 2025 йил 1 январга қадар ушбу субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи баҳоланади. Бунда:

субсидияни ажратиш натижасида субсидия ажратилган субъектларнинг пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқариш ҳажмлари ошганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «ижобий»;

субсидия олувчи субъект томонидан олинган субсидиядан фойдаланилмаётганлиги ёки ундан самарасиз фойдаланаётганлиги, шунингдек, субсидиялардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги аниқланганда, субсидиянинг самарадорлик кўрсаткичи «салбий» деб баҳоланади».

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 344 Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-14*

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелдаги ЎРҚ–836-сон «Давлат қарзи тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 2 август кунидан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 7 июль,
53-сон

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
7 июлдаги 53-сон буйруғига
ИЛОВА

### Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 54-банддаги «ғазна мажбуриятлари» деган сўзлар «давлат ғазначилик облигациялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-илованинг 7 017 103 қаторидаги «ғазна мажбуриятлари» деган сўзлар «давлат ғазначилик облигациялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 31 июлда эълон қилинган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 345 Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2215-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ–6275-сон «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 17 январдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 2215, 2011 йил 11 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 15-сон, 154-модда) билан тасдиқланган Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 24 июль,
28-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 31 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил
24 июлдаги 28-сон буйруғига
ИЛОВА

**Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда) ва «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги 13-сон «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 3-сон, 23-модда) мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 3-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» деган сўзлар «Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ҳамда Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 346 Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525-3***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 апрелдаги 210-сон «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 5 ноябрдаги 01-02/12-29-сон қарори (рўйхат рақами 2525, 2013 йил 18 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 619-модда) билан тасдиқланган Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 21 июль,
66-сон

*Келишилди:*

*Транспорт вазири* *И. МАХКАМОВ*

*2023 йил 4 июль*

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 31 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
21 июлдаги 66-сон буйруғига
ИЛОВА

**Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

олтинчи хатбошидаги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг» деган сўзлар «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «Давлат божхона қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 22-сон, 224-модда) билан тасдиқланган Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 апрелдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Божхона омборининг эгаси божхона омборига жойлаштирилган ва ундан чиқарилган авиакеросин маҳсулотлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг ахборот тизимида ушбу авиакеросин маҳсулотларининг жойлаштирилиши ва ундан чиқарилиши тўғрисида белги қўйган ҳолда, автоматлаштирилган ҳисобни юритади.».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 347 Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 72-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-5*

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелдаги ЎРҚ–836-сон «Давлат қарзи тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон буйруғи (рўйхат рақами 2634, 2014 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 612-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 72-банди «к» кичик бандидаги «давлат қарзини тўлаш ва унга хизмат кўрсатиш» деган сўзлар «давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 2 август кунидан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 7 июль,
54-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 31 июлда эълон қилинган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 348 Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3450*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 6 июль,
51-сон

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
6 июлдаги 51-сон буйруғига
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғи (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 502-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномада:

а) 2-банддаги «давлат қўмиталари ва идоралари» ва «Молия вазирлиги» деган сўзлар тегишли равишда «қўмиталар ва идоралар» ва «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 августда эълон қилинган.

б) 7-банднинг иккинчи хатбошисидаги «молия органлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 17-банднинг учинчи хатбошисидаги «молия органига» ва «молия органи» деган сўзлар тегишли равишда «иқтисодиёт ва молия органига» ва «иқтисодиёт ва молия органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 21-банднинг биринчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари ва идораларида» ва «давлат қўмитаси ва идорасининг» деган сўзлар тегишли равишда «қўмиталар ва идораларда» ва «қўмита ва идоранинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 48-банднинг иккинчи хатбошисидаги «молия органи» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 55-банддаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ё) 58-банд, 226-банднинг тўққизинчи хатбошиси ва 253-банддаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 114-банднинг биринчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари ва идоралари» деган сўзлар «қўмиталар ва идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 252-банднинг биринчи хатбошисидаги «молия органига» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 366-банднинг биринчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 16 июлда 70-сон буйруғи (рўйхат рақами 2501, 2013 йил 14 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 33-сон, 448-модда) билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби»нинг 12-иловасининг изоҳ қисмидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 2017-41-сон қарори (рўйхат рақами 2926, 2017 йил 5 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 36-сон, 972-модда) билан тасдиқланган Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси, 4-банднинг биринчи хатбошиси, 7-банднинг биринчи хатбошиси, 10-банднинг бешинчи хатбошиси ҳамда 16-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Давлат солиқ қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1 — 3-иловалар матнидаги «Давлат солиқ қўмитасига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Рес-

публикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 24, 112-сон қарори (рўйхат рақами 3043, 2018 йил 25 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.07.2018 й., 10/18/3043/1572-сон) билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод маҳалла» жамғармаларини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 19-банддаги «Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сон буйруғи (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 18 январ) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2019 й., 10/19/3124/2524-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»да:

а) 12 ва 84-бандлардаги «молия органларига» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 15-банддаги «Молия вазирлигига (тегишли ҳудудий молия органларига)» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига (тегишли ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларига)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 30-банднинг тўққизинчи хатбошиси, 57 ва 71 бандлар ҳамда 114-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 54, 155-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 159-банд, 169-банднинг биринчи ва учинчи хатбошилари ҳамда 170-банднинг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 143-банддаги «Молия вазирлиги Ғазначилигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 151-банддаги «Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органлари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда тегишли ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ё) 152-банддаги «Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 153-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«153. Туманлар ва шаҳарлар солиқ инспекциялари тегишли туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва молия бўлимларига ҳисобот даври учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушуми тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.»;

з) 154-банддаги «давлат солиқ инспекциялари» ва «молия бўлимларига» деган сўзлар тегишли равишда «солиқ инспекциялари» ва «иқтисодиёт ва молия бўлимларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 165-банднинг биринчи хатбошисидаги «молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

й) 166-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«166. Туман ва шаҳар иқтисодиёт ва молия бўлимлари ҳисобот даври учун туманлар ва шаҳарларнинг бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни:

юқори турувчи иқтисодиёт ва молия органларига — улар белгилаган муддатларда;

тегишли ҳокимликларга — туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот юқори турувчи иқтисодиёт ва молия органларига тақдим этилганидан сўнг уч иш куни ичида тақдим этади.»;

к) 167-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ғазначилик бошқармалари» деган сўзлар «Ғазначилик хизмати бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «молия бўлимлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 168-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ғазначилик бошқармалари» ва «Молия вазирлигига» деган сўзлар тегишли равишда «Ғазначилик хизмати бошқармалари» ва «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 169-бандда:

биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» ва «молия бош бошқармалари» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» ва «иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 2-илованинг 017-қатори номидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин;

н) 8-илованинг «Тушумларнинг номи» устунидаги «Молия вазирлиги» ва «давлат қўмиталари» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» ва «қўмиталар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 13-иловада:

345-қатордаги «Давлат божхона» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона» деган сўз билан алмаштирилсин;

346, 436, 454-қаторлар, VI бўлимнинг ўттиз иккинчи позицияси, 610, 611, 620-қаторлардаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) Давлат бюджети ижросининг балансига 1-илованинг 030, 144, 324-қаторларидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 13 ноябрдаги 142-сон буйруғи (рўйхат рақами 3100, 2018 йил 14 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.12.2018 й., 10/18/3100/2330-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (4-сонли БҲС) «Валюта курси ўзгаришининг таъсири»нинг муқаддимасидаги «молия органлари, ғазначилик» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органлари, ғазначилик хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 4-сон қарори (рўйхат рақами 3156, 2019 йил 22 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2019 й., 10/19/3156/2978-сон) билан тасдиқланган Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Комиссия таркиби тегишлилигига кўра Давлат кадастрлари палатаси, унинг худудий бошқармаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари масъул ходимлари орасидан шакллантирилади.»;

в) 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг буйруғи билан Апелляция комиссияси тузилади. Апелляция комиссияси таркибига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг комиссия фаолиятида иштирок этмаган масъул ходимлари орасидан Апелляция комиссияси раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.».

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 4 апрелдаги 2019-17-сон қарори (рўйхат рақами 3158, 2019 йил 6 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.05.2019 й., 10/19/3158/3085-сон) билан тасдиқланган Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомда:

а) 1-банддаги «Давлат солиқ қўмитасининг» деган сўзлар ва «ДСҚ» қисқартмаси тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг» деган сўзлар ва «СҚ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

б) 5, 7 ва 15-бандлардаги «ДСҚнинг» қисқартмаси «СҚнинг» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

в) 8-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар ва «ДСҚ» қисқартмаси тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар ва «СҚ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги 2019-45-сон қарори (рўйхат рақами 3172, 2019 йил 12 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 28-сон, 514-модда) билан тасдиқланган Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомнинг 7-банди биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 27 апрелдаги 2020-06-сон қарори (рўйхат рақами 3237, 2020 йил 30 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.05.2020 й., 10/20/3237/0713-сон) билан тасдиқланган Солиқ тўловчилар тўғрисида ҳисоб маълумотларини юритиш, бу маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш, шунингдек солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун маълумотлар таркибини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 15-банддан «давлат» деган сўз чиқариб ташлансин;

б) 16-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 20-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат солиқ қўмитасининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 23-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Молия вазирлигидан» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 1 июндаги 2020-22-сон қарори (рўйхат рақами 3256, 2020 йил 30 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 йил 13 июль, 27-сон, 315-модда) билан тасдиқланган Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-банддан «давлат» деган сўз чиқариб ташлансин;

б) 15-банддаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) илованинг матнида:

«2020 йил» деган сўзлар «20__ йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«давлат солиқ инспекцияси» деган сўзлар «солиқ инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 27 апрелдаги 26-сон буйруғи (рўйхат рақами 3299, 2021 йил 7 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2021 й., 10/21/3299/0438-сон) билан тасдиқланган Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг ўн иккинчи хатбошиси ва 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 5-банддаги «Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «Иқтсодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ҳамда Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 29 мартдаги 9-сон буйруғи (рўйхат рақами 3361, 2022 йил 1 апрель) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.04.2022 й., 10/22/3361/0261-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (13-сонли БҲС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар»да:

а) 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари, 3 ва 12-бандлардаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 13-банддаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 52-сон буйруғи (рўйхат рақами 3394, 2022 йил 24 октябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.10.2022 й., 10/22/3394/0957-сон) билан тасдиқланган Ички аудит миллий стандартларида:

а) 24 ва 57-бандлардаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 56-банддаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 3 октябрдаги 53-сон буйруғи (рўйхат рақами 3396, 2022 йил 2 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.11.2022 й., 10/22/3396/0993-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (14-сонли БҲС) «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»нинг 2-бандидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги 63-сон буйруғи (рўйхат рақами 3406, 2022 йил 27 декабрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.12.2022 й., 10/22/3406/1130-сон) билан тасдиқланган Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасининг 70-бандидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 349 «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-3***

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 28 майдаги 44-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2375, 2012 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 26-27-сон, 299-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 17 июль,
2375-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
17 июлдаги 2375-сон буйруғига
ИЛОВА

## «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг номи ва 1-бандидаги «солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тузиш ва» деган сўзлар «солиқ маслаҳатига оид хулосани тузиш ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

а) номидаги «солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тузиш ва» деган сўзлар «солиқ маслаҳатига оид хулосани тузиш ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадан «Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 9-сон, 497-модда) мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 1-банддаги «солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тузиш ва» деган сўзлар «солиқ маслаҳатига оид хулосани тузиш ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ҳисоботнинг ҳар бир саҳифаси солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатган солиқ маслаҳатчиси, солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланади ва мазкур ташкилотнинг муҳри (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.»;

д) $III^1$ бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «$III^1$ боб. Солиқ маслаҳатига оид хулоса»;

е) $12^1$-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ маслаҳатига оид хулоса (кейинги ўринларда хулоса деб юритилади) — солиқ маслаҳатига доир шартномада назарда тутилган хизматларни кўрсатган солиқ маслаҳатчисининг фикрини ўз ичига олган ҳужжат.»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ж) $12^2$-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосаси» деган сўзлар «Солиқ маслаҳатига оид хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

з) $12^4$-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«$12^4$. Хулоса солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатган солиқ маслаҳатчиси, солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланади ва мазкур ташкилотнинг муҳри (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 350 Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3303-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ–770-сон «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги ПҚ–4899-сон «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 октябрдаги 643-сон «Гематологик ва онкологик касалликларга чалинган беморларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 12 майдаги 6-сон буйруғи (рўйхат рақами 3303, 2021 йил 12 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.05.2021 й., 10/21/3303/0456-сон) билан тасдиқланган Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июль,
27-сон

*Келишилди:*

***Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири*** ***Б. МУСАЕВ***

*2023 йил 14 июль*

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 августда эълон қилинган.

*Савдо-саноат палатаси раиси* *Д. ВАХАБОВ*

*2023 йил 24 июнь*

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил
22 июлдаги 27-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-позициянинг «Қўшимча ёки чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этадиган мутахассисликлар» устунидаги «Тиббий-меҳнат экспертизаси» деган сўзлар «Тиббий-ижтимоий экспертиза» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 25-позициянинг «Қўшимча ёки чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этадиган мутахассисликлар» устуни қуйидаги таҳрирдаги позициялар билан тўлдирилсин:

«

| |
|---|
| Болалар гематология-онкологияси |
| Болалар клиник иммунологияси |

».

3. 54-позициянинг «Қўшимча ёки чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этадиган мутахассисликлар» устуни қуйидаги таҳрирдаги позициялар билан тўлдирилсин:

«

| |
|---|
| Зоология (биология) |
| Паразитология (биология) |

».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 351 Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941-3*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 24 ноябрдаги 110-сон буйруғи (рўйхат рақами 1941, 2009 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 206-модда) билан тасдиқланган Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 18 июль,
63-сон

*Келишилди:*

*Марказий банк раиси* *М. НУРМУРАТОВ*

*2023 йил 18 июль*

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
18 июлдаги 63-сон буйруғига
ИЛОВА

**Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «Давлат божхона қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси ва Давлат захираларини бошқариш қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-банддаги «мол етказиб берувчилар» ва «Молия вазирлиги Ғазначилиги» деган сўзлар тегишли равишда «маҳсулот етказиб берувчилар» ва «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-банднинг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 3-банддаги «Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ахборот технологиялар маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 4-банднинг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 8-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 11-бандда:

биринчи хатбошидаги «молия органлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «конкурс савдоларининг» деган сўзлар «давлат харидларининг» сўзи билан алмаштирилсин.

8. 12, 13-бандлар, 16-банднинг учинчи хатбошиси, 47-банднинг биринчи хатбошиси, 50, 51, 55-бандлар, 86-банднинг биринчи хатбошиси ҳамда 2-илованинг номи ва матнидаги «мол» деган сўз «маҳсулот» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 15-банддаги «молия органлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 18-бандда:

биринчи хатбошидаги «молия органига» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Молия органи» ва «молия органининг» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия органи» ва «иқтисодиёт ва молия органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 20-банддаги «молия органлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 23-бандда:

учинчи хатбошидаги «молия органига» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «молия органлари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 24-банддаги «молия органларига» ва «молия органлари» деган сўзлар тегишли равишда «иқтисодиёт ва молия органларига» ва «иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 25-банддаги «молия органи» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 45-банднинг иккинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 52-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. Бюджет ташкилотлари ғазначилик бўлинмаларига шартномани рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) учун шартноманинг икки асл нусхаси ва битта кўчирма нусхаси билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тўлов жадвали;

харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида харид комиссиясини шакллантириш талаб этиладиган ҳолларда ғолибни аниқлаш бўйича харид комиссияси мажлисининг баённомаси нусхаси;

агар шартнома қонунчиликка мувофиқ тўғридан-тўғри тузилган бўлса, мазкур шартнома тузиш учун асос бўлган ҳужжатнинг нусхаси;

тегишли фаолият турини амалга ошириш учун қонунчиликда лицензиялаш ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат олиш ёхуд ваколатли органга фаолиятни бошлаганлик ҳақида хабарнома юбориш талаби мавжуд бўлган ҳолларда тегишли равишда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат ёхуд фаолиятни бошлаганлик ҳақидаги хабарноманинг нусхаси.».

17. 79-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳисобварақ-фактура ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлганда ва бюджет ташкилотининг махсулот етказиб берувчи олдидаги қарздорлигини, шунингдек бюджет ташкилотининг махсулот етказиб берувчига аванс тўловлари ўтказишини мажбурловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида (бунда, давлат сирига таалуқли бўлган хўжалик операциялари амалга оширилганда, бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобварақ-фактуралар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Ғазначилик ҳизмати қўмитасига ёки ғазначилик бўлинмаларига қоғоз шаклида тақдим этилади);».

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида МАЪЛУМОТИ

### *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 7 июлдаги 53-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-14.***

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 24 июлдаги 28-сон «Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2215-1.***

3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 21 июлдаги 66-сон «Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525-3.***

4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 7 июлдаги 54-сон «бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 72-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-5.***

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 6 июлдаги 51-сон «Давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3450.***

6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 17 июлдаги 2375-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг

хулосасини тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-3.***

7. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 22 июлдаги 27-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2023 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3303-1.***

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 18 июлдаги 63-сон «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2023 йил 4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941-3.***